

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХЎЖАМШУКУРОВ НОРТОЖИ АБДИХОЛИҚОВИЧ**

***BACILLUS THURINGIENSIS* БАКТЕРИЯСИ АСОСИДА ИНСЕКТИЦИД  
БИОПРЕПАРАТ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ  
ЭТИШ**

**03.00.04 –Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

<b>Хўжамшукуров Нортожи Абдихолиқович</b> « <i>Bacillus thuringiensis</i> бактерияси асосида инсектицид биопрепарат ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш»	5
<b>Хужамшукуров Нортожи Абдихолиқович</b> Разработка инсектицидного биопрепарата на основе бактерий <i>Bacillus thuringiensis</i> и внедрение его в практику	28
<b>Khujamshukurov Nortoji</b> Development of the biological insecticide based on <i>Bacillus thuringiensis</i> and its introduction into practice	50
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХЎЖАМШУКУРОВ НОРТОЖИ АБДИХОЛИҚОВИЧ**

***BACILLUS THURINGIENSIS* БАКТЕРИЯСИ АСОСИДА ИНСЕКТИЦИД  
БИОПРЕПАРАТ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ  
ЭТИШ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1DSc/B2 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.microbio.uz](http://www.microbio.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ташмухамедов Мугражитдин Салахович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Шакиров Заир Саатович**  
биология фанлари доктори

**Гаппаров Фурқат Ахатович**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Тожибаев Комилжон Шаробитдинович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» июль соат 10:00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: [info@microbio.uz](mailto:info@microbio.uz)).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» июлда тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_» июлдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Арипов Тахир Фатихович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., профессор, академик

**Насметова Саодат Мамажановна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н.

**Гулямова Ташхан Гафуровна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё қишлоқ хўжалигида турли хил зараркунанда ҳашаротлар ва фитопатоген микроорганизмларга қарши курашиш айти вақтда жуда катта муаммо бўлиб қолмоқда. «Қишлоқ хўжалигида фитопатоген микроблар таъсирида 1,4 триллион доллар зарар кўрилмоқда. Бу эса умумий ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этади. Зараркунанда ҳашаротлар таъсирида тайёрланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 20-25% миқдори йўқотилмоқда<sup>1</sup>.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин экологик тоза ва табиий маҳсулотлар етиштириш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар, касалликлар ва ёввойи ўсимликлардан ҳимоя қилишда экологик тоза, биологик маҳсулотлардан фойдаланишни кенгайтириш орқали амалиётда кенг ишлатилиб келинаётган кимёвий маҳсулотлар миқдорини тизимли тарзда камайтириб бориш бўйича чора тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада ғўза агробиоценозида зараркунанда ҳашаротлар миқдорини бошқаришда фойдали ҳашаротлар ёрдамида биологик ҳимоя қилиш усули кенг жорий этилишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Дунё қишлоқ хўжалигида экинлардаги зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашишда асосан кимёвий препаратлардан кенг фойдаланиш оқибатида, экологик ҳолатининг бузилиши, сув ҳавзаларининг ифлосланиши, касалликлар ва зараркунандалар кўпайиши, ҳашаротларнинг пестицидларга чидамли авлодлари вужудга келиши, инсонлар ва иссиқ қонли ҳайвонлар организмда кескин салбий оқибатлар ҳосил бўлишига олиб келди. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида экологик тоза, ўсимликлар, фойдали ҳашаротлар, иссиқ қонли организмлар ва инсонларга салбий таъсир кўрсатмайдиган, таннархи арзон ва ишлаб чиқарилиши қулай бўлган инсектицид биопрепаратлар асосида экинлар маҳсулдорлигини ошириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар, касалликлар ва ёввойи ўсимликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни (2000), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27-майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги қарори, ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>

хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Қишлоқ хўжалик ўсимликларини микробиологик усуллар ёрдамида химоя қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Bacillus Genetic Stock Center, Ohio State University, National Pesticide Information Center (АҚШ), University of Ben-Gurion (Исроил), International Crops Research Institute for Semi-Arid Tropics, G.B.Plant University of Agriculture and Technology (Ҳиндистон), Institute of Biological Control (Япония), Huazhong Agricultural University, Institute of Plant Protection (Хитой), University of Sussex, Royal Holloway University of London (Англия), Institute Pasteur (Франция), Государственный научный центр прикладной микробиологии (Россия) ҳамда Микробиология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Энтомопатоген микроорганизмлар асосида қишлоқ хўжалик экинларидаги зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: *Bacillus thuringiensis* Berliner бактериясининг зараркунанда ҳашаротларга қарши инсектицид фаоллиги аниқланган (New York State Agricultural Experiment Station, USA); картошкадаги колорадо кўнғизига қарши биопестицид яратилган (Государственный научный центр прикладной микробиологии, Россия); маккажўхори ва картошка зараркунандаларига қарши *Bacillus thuringiensis* бактерияси спора-кристаллари билан ишлов бериш орқали ҳосилдорликни сақлаб қолиш йўллари ишлаб чиқилган (Centre de Biologie et de Gestion des Populations, France). *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида ларвицид биопрепаратлар ишлаб чиқарилган (Франция). *Bacillus thuringiensis* var.*israelensis* бактерияси асосида ларвицид препарати олиш технологияси ишлаб чиқилган (АҚШ).

Дунёда зараркунанда ҳашаротларга қарши микробиологик усуллар асосида курашиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ген муҳандислиги усуллари ёрдамида зараркунанда ҳашаротларга чидамли трансген ўсимлик навларини олиш; саратон касаллигига қарши дори воситалари ишлаб чиқариш; полифункционал хусусиятга эга бўлган биопрепаратлар яратиш; ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситалар ишлаб чиқариш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, энтомопатоген бактериялар тупроқ микроорганизмлари ҳисобланади, аммо, бу бактериялар сўнгги йилларда ўсимлик барглари, касалланган ҳашаротлар организми, сув, ҳаттоки, 45-50°C ҳароратли гейзерлар атрофидаги шламлардан ҳам ажратиб олинганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Чунки, уларнинг асосий таъсир этувчи хусусиятларига яшаш жойи ва тирик организмнинг физик ва

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.bgsc.org>; <https://www.osu.edu>; <http://npic.orst.edu>; <http://in.bgu.ac.il>; <http://www.icrisat.org>; <http://www.obolensk.org>; <http://parasporin.fitc.pref.fukuoka.jp>; <http://hyoka.ofc.kyushu-u.ac.jp>; <http://www.sussex.ac.uk>; <https://hal.archives-ouvertes.fr>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

биокимёвий хусусиятлари жуда катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда *Bacillus thuringiensis* бактерияси штаммларини ажратиш олиш ва уларни классификациялаш (Е.Троицкая, 1988), Россия Федерациясида (Н.Кандыбин, 1988), Украинада (Л.Кузнецова, 2012), Грузияда (Э.Африкян, 1990), Нидерландияда (Geeta Goudar et al, 2012), Францияда (Lecadet MM et al. 1999), Мексикада (Camilla C.Neppl, 2000), Сирияда (Maysa Meihiar et al. 2012), АҚШда (Travis R. Glare and Maureen O'Callaghan, 1998) томонидан тадқиқ этилган. Л.Магай (2005) ва И.Халилов (2012) ларнинг илмий тадқиқот ишларида *Bacillus thuringiensis* бактериясининг турли хил объектлардан ажратилган штаммларининг инсектицид фаоллиги тадқиқ этилган. Олиб борилган бу каби илмий тадқиқот ишларининг натижалари асосида ҳозирда, дунё бўйича 60 дан ортиқ *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосидаги инсектицид препаратлар ишлаб чиқарилмоқда (Dipel, Novodor, Bactospeine, Biobit, Condor, Crymax, Cutlass, Foil, Jackpot, Lepinox, Rapax, Raven (АҚШ), Битоксибациллин, Дендробациллин, Лепидоцид (Россия) ва ҳ.к.).

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан дунёнинг бир гуруҳ етакчи олимлари томонидан тайёрланган «Environmental health criteria 217.: Microbial pest control agent *Bacillus thuringiensis*» номли монография (1999) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ушбу бактериянинг инсектицид хусусияти, микробиологик инсектицидларнинг кимёвий инсектицидларга нисбатан афзалликлари, атроф-муҳитга таъсири, тупроқда аккумуляция бўлиши каби масалалар кенг ёритиб берилган<sup>3</sup>. Ушбу монографияда дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган инсектицид хусусиятли барча биопрепаратларнинг 90 фоизини *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосидаги биопрепаратлар ташкил этиши қайд этилган. Аммо, илмий манбаларда ушбу микробиологик объект асосида, камида икки хусусиятни намоён этувчи биопрепарат ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш натижалари бўйича маълумотлар учрамайди. Ўзбекистонда ҳам *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида инсектицид ва фунгицид фаолликларга эга бўлган биопрепарат ишлаб чиқариш, ҳамда, уни амалиётга тадбиқ этиш масаласи ўрганилмаган. Шу боисдан, *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида маҳаллий биопрепарат ишлаб чиқариш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса келгусида қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунанда ҳашаротлари ва касалликларига қарши экологик тоза биопрепаратлар асосида агробιοценоздаги фойдали ҳашаротлар ҳамда иссиқ қонли ҳайвонларга зарар етказмасдан курашиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФМЗ-002-«Спораларидаги ўсимталарнинг белгилари бўйича фарқланувчи *Bacillus thuringiensis* бактерияларининг адгезив фаоллигини пайдо бўлиш механизмларини аниқлаш» (2007-2008), ФМ-4-092-«*Bacillus thuringiensis* токсинлари спецификлигини молекуляр механизмини аниқлаш»

<sup>3</sup> <http://www.who.int/ipcs/publications/ehc/en/EHC217.PDF>

(2007-2008) мавзуларидаги фундаментал, КА9-002-«*Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида қишлоқ хўжалик зараркунанда ҳашаротлари ва касалликларига қарши кўпфункционали биопрепаратни синовдан ўтказиш (2012-2014 йй.), А9-37-«Қишлоқ хўжалиги зараркунанда ҳашаротлари, фитопатогенлар ва ташқи стресс шароитларидан самарали ҳимояловчи, экологик тоза, ҳосилдорликни оширувчи биопрепаратларнинг янги авлодини олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий, ЁА-9-02-«Ўсимликларни ҳимоя қилишда истиқболли манба сифатида *Bacillus thuringiensis* дельта-эндотоксинларининг антифунгицид таъсирига асосланган микробли препарат олиш ва уни синовдан ўтказиш» (2009-2011), ИОТ-2016-5-2-«Дўза зараркунандаларига қарши курашда «Antibac-Uz» микробиологик препаратидан самарали фойдаланиш технологиясини тадбиқ этиш» (2016-2017) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси штамmlарининг айрим биологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда улар асосида инсектицид биопрепарат яратиш ва уни амалиётга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

*Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиш ареалини ўрганиш ва унинг популяцияси орасидан янги штамmlарни қидириш, ажратиб олиш ва скрининг қилиш;

энг фаол штамmlарнинг морфо-культурал, физиологик ва баъзи биокимёвий хусусиятларини аниқлаш;

ажратиб олинган штамmlарни инсектицид ва антифунгал хусусиятлари бўйича саралаш;

фаол биологик таъсирга эга бўлган штамmlар учун мўътадил ўсиб, ривожланиш шарт-шароитларини яратиш;

танланган штамmlар асосида аниқ хусусиятга эга бўлган янги биопрепарат тайёрлаш регламентини ишлаб чиқиш;

яратилган янги регламент асосида биопрепарат тайёрлаш ва ундан амалиётда фойдаланиш шароитларини ишлаб чиқиш;

тайёрланган биопрепаратнинг фойдали ҳашаротларга таъсирини аниқлаш;

янги хусусиятли биопрепаратнинг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон шароитида тупроқ ва зараркунанда ҳашаротлардан ажратиб олинган ва коллекцион *Bacillus thuringiensis* бактерияси штамmlари, *Fusarium oxysporum* замбуруғи штамmlари, ўсимликлар зараркунанда ҳашаротлари (кузги тунлам, кўсак қурти, колорадо қўнғизи, ғўза шираси, ўргимчаккана), энтомопатоген бактерия кристалл-токсинлари, технологик регламент ҳамда микробиологик ишлаб чиқаришнинг намунавий технологияси олинди.

**Тадқиқот предмети** - *Bacillus thuringiensis* бактерияси штамmlарини ажратиш, скрининг қилиш, уларнинг морфологик, культурал, физиологик ва

баъзи биокимёвий хусусиятларини аниқлаш; штаммларнинг инсектицид ва фунгицид фаолликларини аниқлаш; танланган штаммларнинг биологик самарадорлигини дала ва қишлоқ хўжалик амалиёти шароитида синовдан ўтказиш; биопрепарат ишлаб чиқаришнинг тажриба-технологик регламентини яратиш, биопрепаратдан фойдаланишнинг мўътадил шароитларини аниқлаш.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида микробиологик, биотехнологик, биокимёвий, агрокимёвий ва энтомологик усуллардан фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк мартаба турли ҳудудлар кесимида маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиш даражаси асосланган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* бактериясининг ажратилган штаммлари морфологик, культурал, физиологик ва биокимёвий жиҳатларига кўра классификацияланган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси штаммларининг кўсак қурти (*Heliothis armigera* Hb.), кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den.et Schiff.), колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say.), ғўза шираси (*Aphis gossypii* Glov.) ва ўргимчаккана (*Tetranychus urticde* Koch.) каби зараркунанда ҳашаротларга қарши инсектицид ва *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши антифунгал фаолликлари аниқланган;

янги ажратилган, юқори биологик фаолликка эга бўлган штамм учун озуқа муҳити ва ўстириш шароитлари ишлаб чиқилган;

илк бор, маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида, янги, инсектицид биопрепарат ишлаб чиқаришнинг тажриба-технологик регламенти яратилган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида «Antibac-Uz» биопрепарати олишнинг технологияси ишлаб чиқилган;

«Antibac-Uz» биопрепаратининг кўсак қурти (*Heliothis armigera*), кузги тунлам (*Agrotis segetum*), колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata*), ғўза шираси (*Aphis gossypii*), ўргимчаккана (*Tetranychus urticde*) каби зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик самарадорлиги исботланган;

«Antibac-Uz» биопрепарати ғўза агробактериоценозидаги олтинкўз (*Chrysoperla carnea* Steph.) ва хонқизи (*Coccinella semperpunctata* L.) каби фойдали ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар тарқалишига кўра фаркланадиган, табиий иқлим шароити турлича бўлган Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида маҳаллий «Antibac-Uz» биопрепарати қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этилган;

«Antibac-Uz» биопрепарати асосида зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш билан бир қаторда ғўза майдонларида учрайдиган ўта хавфли бўлган фитопатоген замбуруғларга (*Fusarium oxysporum*) ҳам қарши курашиш имконияти мавжудлиги асослаб берилган;

маҳаллий «Antibac-Uz» биопрепаратининг қишлоқ хўжалигида ғўза, картошка, лавлаги экинларида учровчи зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши биологик самарадорлиги аниқланган;

Ғўза зараркунандаларига қарши курашда «Antibac-Uz» биопрепаратидан самарали фойдаланиш технологияси қишлоқ хўжалиги амалиётига тадбиқ этилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилган, бу эса ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган. Тажриба маълумотларига статистик хато, ўртача, ишончлилик интерваллари ҳамда стандарт оғишларни ҳисоблаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва стандарт усуллар ёрдамида бажарилган. Натижаларнинг статистик аҳамияти Стьюдент t-критерияси ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий *Bacillus thuringiensis* бактерияси штаммларининг токсонмик ўрни, морфо-культурал, биокимёвий, инсектицид ва антифунгал хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда олинган фундаментал билимларга асосланиб «Antibac-Uz» биопрепаратини яратишнинг тажриба-технологик регламентини ишлаб чиқиш, ҳамда, «Antibac-Uz» биопрепаратининг қишлоқ хўжалик ўсимликларига жуда катта иқтисодий зарар етказадиган зараркунанда ҳашаротлар, жумладан, кузги тунлам (*Agrotis segetum*), кўсак қурти (*Heliothis armigera*), ўргимчаккана (*Tetranychus urticde*), ғўза шираси (*Aphis gossypii*), колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata*) ва фитопатоген микроорганизмларга (*Fusarium oxysporum* var. *vasinfectum*) қарши биологик самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори биологик фаолликга эга бўлган, маҳаллий *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида «Antibac-Uz» биопрепарати олиш технологиясини ишлаб чиқиш, табиий иқлим шароити турлича бўлган, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар тарқалишига кўра фарқланадиган Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида «Antibac-Uz» биопрепарати қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этиш синовларидан ўтказилганлиги билан белгиланган. Бу эса, атроф-муҳитга, қишлоқ хўжалиги агробιοценозидаги фойдали ҳашаротларга, иссиқ қонли ҳайвонлар ва инсонларга салбий таъсир кўрсатмайдиган, қишлоқ хўжалиги зараркунанда ҳашаротлари ва касалликларига қарши курашиш учун кўпфункционали биопрепарат ишлаб чиқаришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида кўпфункционали биопрепарат ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

инсектицид хусусиятга эга бактериялар штамми учун Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (15.05.2006. №IAP 03054.) олинган. Ушбу штамм sanoat шароитида юқори

биологик фаолликка эга бўлган инсектицид хусусиятли биопрепаратлар ишлаб чиқариш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги амалиётига Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ғўзадаги зараркунанда ҳашаротларга қарши 2012–2016 йилларда «Antibac-Uz» биопрепарати жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 7 декабрдаги 02/23-1267-сон маълумотномаси). Маҳаллий «Antibac-Uz» биопрепарати ғўзадаги кўсак қуртига қарши қўллаш натижасида пахта ҳосилдорлиги ошган, ҳамда кўшимча 1,1 ц/га ҳосил олишга ва рентабеллик даражаси 18% га ошишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари III Международная конференция Российского химического общества им.Д.И.Менделеева» (Россия, 2011, 2012), Международной научно-практической конференции «Перспективы и проблемы развития биотехнологии в рамках единого экономического пространства стран содружества (Республика Беларусь, 2005), «Региональной Центрально-азиатской международной конференции по химической технологии (Россия, 2012), «Повышение эффективности сельскохозяйственной науки в современных условиях» (Россия, 2015), Международная научно-практическая интернет-конференция «Наука, инновации и международное сотрудничество молодых ученых-аграриев» (Россия, 2016), «Прикладная экология и устойчивое развитие» посвященной 2700-летию города Карши (2005), «Высокие технологии и перспективы интеграции образования, науки и производства» (2006), «Problems of rational use and protection of biological resources of southern Aral sea region» (Nukus, 2006), «Актуальные проблемы обеспечения интеграции науки, образования и производства» (2008), «Microorganisms and the biosphere» MICROBIOS-2015 (2015), «Actual problems of innovative technologies in the development of chemical, petroleum-gas and the food-processing industries» (2016), «Проблемы современной микробиологии и биотехнологии» (2003), «Интеграция вузовской науки, производства и образования» (2007), «Ўзбекистон тупроқлари ва ер ресурслари: улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш» (2008), «Актуальные проблемы инновационных технологий химической, нефтегазовой и пищевой промышленности» (2011), «V-съезд микробиологов Узбекистана» (2012), «Современные технологии переработки местного сырья и продуктов» (2015) апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтиро патенти олинган, жами 37 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 14 таси Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 13 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунанда ҳашаротлардан биологик химоя қилишда *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг роли**» деб номланган биринчи бобида *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиши ва систематикаси, инсектицид фаоллиги, турли хил ҳашаротлар ва касалликларга қарши курашишдаги имкониятлари, унинг синтез қиладиган моддаларининг физик, ҳамда, биокимёвий хусусиятлари, *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида яратилган ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган инсектицид ва ларвицид хусусиятга эга бўлган биопрепаратлар, улардан фойдаланиш шароитлари ва истиқболлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «***Bacillus thuringiensis* бактерияси биологик хусусиятларини аниқлаш ва тажриба синовларини ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида *Bacillus thuringiensis* бактерияси штаммлари скрининги, уларнинг морфологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, штаммлардан спора-кристалларни ажратиш, кристалларни биокимёвий таҳлили, биопрепаратнинг ҳашаротларга ва фитопатоген организмларга қарши инсектицидлик ва антифунгал таъсирларини аниқлаш, лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини схематик жойлаштириш усуллари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон шароитида *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиши ва унинг аҳамияти**» деб номланган учинчи боби *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг Ўзбекистон шароитида тарқалиш қонуниятлари ва унинг қишлоқ хўжалиги учун аҳамиятли бўлган хусусиятларини ўрганишда олинган натижалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи маротаба Ўзбекистон шароитида бир қатор вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиш динамикаси аниқланган (1-расм). Скрининг натижасида, аниқ турга мансуб зараркунанда ҳашаротлар, ҳамда, дала майдонлари мисолида йиғилган намуналардан *Bacillus thuringiensis* бактериясига мансуб 1121 та изолятлар ажратилиб, уларнинг вариациялар бўйича тақсимланиши аниқланган (2-расм). Шунингдек, *Bacillus thuringiensis* бактериясининг ўрганилган объектларда учраш динамикаси аниқланган (3-расм). Жумладан, ўрганилган кузги тунламда 30%, кўсак қуртида 27%,


колорадо кўнғизидида 17%, ғўза майдонларида 17%, картошка майдонларида эса 9% гача учраши аниқланган.



1-расм. Ўзбекистон шароитида *Bacillus thuringiensis* бактериясининг вариациялар бўйича тарқалиши

- 1-худуд- Фарғона вилояти;
- 2-худуд- Сурхондарё вилояти;
- 3-худуд- Қорақалпоғистон Республикаси;
- 4-худуд- Сирдарё вилояти;
- 5-худуд- Тошкент вилояти

Ўзбекистон шароитида *Bacillus thuringiensis* бактериясининг энг кўп учрайдиган вариацияси сифатида *thuringiensis* Н-1 (16,1%), *kurstaki* Н-3а3б3с (14,0%), *galleriae* Н-5а5б (13,2%), *dendrolimus* (11,6%) вариациялари қайд этилган.



2-расм. Худудлар бўйича жами ажратилган *Bacillus thuringiensis* бактериясининг вариациялар бўйича тақсимланиши


Шунингдек, ажратилган штаммлардан инсектицидлик хусусияти (LC<sub>90</sub> кўрсаткичи) бўйича сараланган 94 та штаммнинг 63 таси (67,0%) фақатгина мум куясига, 14 таси (14,8%) кузги тунламга, 9 таси (9,5%) кўсак қуртига, 8

таси (8,5%) колорадо кўнғизига қарши биологик фаоллик намоён этиши аниқланган (4-расм).




3-расм. *Bacillus thuringiensis* бактериясининг ажратилган объектларда учраш даражаси (изолятлар сони бўйича)

Мамлакатимизнинг 5 та ҳудудидан ажратилган, кузги тунлам, кўсак қурти ва колорадо кўнғизига қарши, LC<sub>90</sub> кўрсаткичи бўйича юқори биологик фаоллик намоён этган, *Bacillus thuringiensis* бактериясининг 5 та вариацияга мансуб, 31 та изолятларидан қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун микробиологик биопрепаратлар ишлаб чиқаришда продуцент сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган (5-расм).



*Bacillus thuringiensis* бактерияси вариациялари

4-расм. *Bacillus thuringiensis* бактерияси штаммларини инсектицид (LC<sub>90</sub>) хусусияти бўйича саралаш натижалари



*Bacillus thuringiensis* бактерияси вариациялари


5-расм. Мақсаддаги ҳашаротларга нисбатан *Bacillus thuringiensis* бактерияси штаммларини инсектицид (LC<sub>90</sub>) хусусияти бўйича саралаш натижалари

Кейинги тадқиқотларда *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг 5 та вариацияга мансуб 31 та изолятнинг антифунгал

хусусияти тадқиқ этилиб, илк бор *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг антифунгал хусусияти кўрсатиб берилган. Ушбу бактериянинг антифунгал хусусияти фузариоз вилт касаллиги билан зарарланган ғўза ниҳолиларидан ажратилган *Fusarium oxysporum* var.*vasinfectum* замбуруғи (6-расм) изолятларини каттиқ озуқа муҳитида ўсиши пайтида лизис қилиш хусусиятига кўра аниқланган.



Касалланган ғўза ниҳоли  
(Бухоро-6 нави) →



Нам камера шароитида зарарланган ғўза ниҳолида илдиздан *Fusarium oxysporum* var.*vasinfectum* замбуруғининг ажралиб чиқиши →



Микологик тозаланган *Fusarium oxysporum* var.*vasinfectum* штамми

**6-расм. Зарарланган ғўза ниҳолидан (Бухоро-6 нави) *Fusarium oxysporum* замбуруғини ажратиш олиш тартиби**

Шунингдек, тадқиқотлар кўламини қисқартириш мақсадида антифунгал таъсир даражаси камида 70% бўлиши лозим деб белгиланган. Жумладан, *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis* энтомопатоген бактерияси штамларининг антифунгал хусусиятини ўрганиш учун LC<sub>90</sub> хусусияти бўйича сараланган 31 та изолят мисолида олиб борилган скрининг натижасида *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis* th12a (0,97±0,08) изоляти ҳамда M<sub>1th</sub> (0,90±0,06) коллекцион штамми истиқболли штаммлар сифатида тавсия этилган. Ўрганилган изолятларнинг аксарияти *Fusarium oxysporum* var.*vasinfectum* замбуруғи культураларининг ўсишини тўхтатиб қўйиши, ҳаво мицелийлари ривожлантирмаслиги ва бошқа хусусиятлари мавжудлигини намоён қилган. *Bacillus thuringiensis* бактерияси учун стандарт озуқа муҳити ҳисобланадиган пептонли озуқа муҳитида объектлар бирга ўстирилганда, кузатишнинг 3-кунда *Bacillus thuringiensis* бактерияси штамларининг ўсиш диаметри юқори бўлганлигини аниқланган (7-расм). Бунда *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis* бактериясининг th12a изоляти, 45-M1th №СКБ-349 штаммига нисбатан юқорироқ кўрсаткич намоён этаётганлиги кузатилган.



*Bacillus thuringiensis*-th12a




45-M1th №СКБ-349

**7-расм. Пептонли озуқа муҳитида штамларнинг *Fusarium oxysporum* (ўртада) замбуруғига қарши антифунгал фаоллиги**

Илмий манбалардан маълумки, микроорганизмларнинг антифунгал фаоллигини ўрганишда объектлар ўстириладиган озуқа муҳити ва ўстириш

шароитлари тадқиқот натижаларига кескин таъсир кўрсатади. Бу ҳолат скрининг бўйича олиб борилган ишларимизда ҳам кузатилди. 8-расмдан кўриниб турибдики, *Bacillus thuringiensis* штаммлари Чапек озуқа муҳитида ҳам *Fusarium oxysporum* штаммига нисбатан яққол антифунгал фаоллик намоён этмоқда.

Шу боисдан *Fusarium* замбуруғи учун стандарт озуқа муҳити ҳисобланадиган Чапек озуқа муҳитида ҳам скрининг ишлари олиб борилди (8-расм). Чапек озуқа муҳити ҳамда пептонли озуқа муҳитида ўстирилган *Fusarium oxysporum* замбуруғининг мицелий қаттиқлиги билан бир биридан фарқ қилиши, яъни пептонли озуқа муҳитида ярқироқ оқ рангда бўлган бўлса, Чапек озуқа муҳитида мицелий нисбатан қаттиқроқ ва оқимтир лойқароқ бўлиши кузатилган. Ушбу кузатишлар М.Кh.Sultanova (2011) олган натижаларига мос келади. Муаллифнинг олган натижаларига кўра *Fusarium oxysporum* замбуруғи озуқа муҳитига азот манбаи сифатида пептон,  $\text{NO}_3$ ,  $\text{NH}_4$  ва  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  қўшилганда замбуруғнинг яхши ўсиши, ҳамда, конидиялар ва хламидоспоралар ҳосил қилиши юқори бўлиши қайд этилган.




*Bacillus thuringiensis* - th12a

45-M1th №СКБ-349

8-расм. Чапек озуқа муҳитида штаммларнинг *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши антифунгал фаоллиги

Айниқса, озуқа муҳитига пептон қўшилганда макроконидиялар ҳосил бўлиши ошган. Фикримизча бу фитопатоген замбуруғнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқроқ намоён этишига олиб келади. Пептонли озуқа муҳитида *Bacillus thuringiensis* ва *Fusarium oxysporum* штаммларини газон қилиб экилган ҳолатида ҳам юқори даражадаги антифунгал хусусиятини намоён этганлигини кўриш мумкин (9-расм).



*Fusarium oxysporum* газон усулида экилган

*Bacillus thuringiensis* газон усулида экилган

9-расм. *Bacillus thuringiensis*-th12a штаммининг *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши антифунгал фаоллиги

Шу боисдан кейинги тадқиқотларда ушбу штаммларнинг асосий таъсир этувчиси бўлган кристалл-дельта-эндотоксинларни ажратиш ва уларнинг

*Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари *Fusarium* замбуруғи учун стандарт озуқа муҳити ҳисобланадиган Чапек озуқа муҳитида олиб борилди (1-жадвал). th12a штаммининг лизис қилиш зонасининг максимал кўрсаткичи (1,75мг/мл дельта-эндотоксин) 0,97 см, худди шу концентрацияда M<sub>1th</sub> штаммида эса 0,88 см бўлганлиги кузатилган.

1-жадвал

***Bacillus thuringiensis* бактерияси дельта-эндотоксинининг *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши антифунгал фаоллиги**

Дельта-эндотоксин концентрацияси (мг/мл)	Культуралар	
	th12a	45-M1th №СКБ-349
	лизис зонаси (см)	
0,1	0,12±0,01	0,8±0,02
0,5	0,28±0,01	0,25±0,02
0,75	0,35±0,02	0,32±0,03
1,0	0,35±0,02	0,32±0,02
1,5	0,78±0,03	0,66±0,04
1,75	0,97±0,08	0,88±0,07
2,0	0,84±0,08	0,86±0,05
2,5	0,66±0,05	0,70±0,06
3,0	0,50±0,04	0,46±0,03



**Вегетацион ривожланишининг 4-куни**

Назорат (кимёвий), тупроқ *F.oxysporum* билан зарарлантирилган, чигитга П-4 (65%) сус.к.билан ишлов берилган

Тупроқ *F.oxysporum* билан зарарлантирилган, чигитга δ-эндотоксин билан ишлов берилган (штамм th12a, 1,75мг/мл)

Тупроқ *F.oxysporum* билан зарарлантирилган, чигитга ВеТаPro препарати билан ишлов берилган (микробиологик андоза)

Чигитга δ-эндотоксин билан ишлов берилган (штамм th12a, 1,75мг/мл), зарарланмаган тупроқ

Назорат (Чигитга оддий сув билан ишлов берилган), зарарланмаган тупроқ




**Вегетацион ривожланишининг 10-куни**

**10-расм. Наманган-77 навли гўза ривожланишига δ-эндотоксиннинг таъсири**

Ушбу натижалар кичик лизиметрик усулда амалга оширилган тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топган (10-расм). Жумладан, чигитга  $\delta$ -эндотоксин билан ишлов берилган зарарланмаган тупроқда 50 та чигитдан униб чиққан ниҳоллар 45 тупни (90%) ташкил этган, яъни назоратга нисбатан 6% юқори эканлиги аниқланган. Шунингдек, тупроқ *Fusarium* замбуруғи билан сунъий зарарлантирилиб, уруғлар  $\delta$ -эндотоксин билан ишлов берилган вариантда униб чиққан майсалар 40 тупни (80%), яъни назоратга (П-4 (65%) сус.к.) нисбатан 8% га юқори бўлганлиги аниқланган. Шу боисдан келгуси ишларда *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis*-th12a изоляти (штамми) тадқиқотнинг асосий объекти сифатида танлаб олинган.


*Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis*-th12a штаммининг (11-расм) морфо-культурал хусусиятлари - вегетатив хужайраси битта ёки 2-4 та, баъзан 2-6 тагача бўлган қисқа занжирсимон кўринишда, хужайра шакли таёқчасимон, ҳаракатчан, граммусбат. Пептонли агарда бир кун ўсган хужайранинг ўлчами 2,5-3,0×0,8-0,9 мкм дан 2,8-4,3×1,0-1,9 мкм гача, 3 кун ўстирилганда, овалсимон спора ҳосил қилади. Споранинг жойлашиши субтерминал, ўлчами 1,1-1,3×0,8-0,9 мкм дан, 1,5-1,9×0,8-1,4 мкм гача. Кристаллар ўлчами ўртача 1,1×1,3 мкм атрофида бўлиб, бунда ромбсимон кўринишли кристаллар 1,8×2,2 мкм, кубиксимон кристаллар 0,5×0,5 мкм, баъзан нотўғри шаклли 1,4×1,7 мкм ўлчамли кристаллар ҳосил қилади. Биокимёвий хусусиятлари - 28-30°C ҳароратда, пептонли агарда ўстирилган культура 48 соатдан кейин оқиш-сарғиш, ясси колония ҳосил қилади. Колониялар нотекис қиррали, юза томони жуда кичик донсимон, диаметри 18-24 мм. Штаммларнинг ўсиб, ривожланиш ҳарорати диапазони 20-38°C, Мўътадил ҳарорат 28-30°C. Озуқа муҳитидаги мўътадил рН кўрсаткичи 6,8-7,4. Пептонли суюқ озуқа муҳитида ўстирилганда 24 соатдан кейин культурал суюқлик сиртида парда ҳосил қилади. Ўстиришнинг 4-5 кунларида желатинни суюлтиради. Казеинни парчалаб, сутни 24-26 соатда ишқорлаштириб, пептонлаштиради. Кейин нордонлашиб, лакмус қоғозини рангсизлантиради. Крахмални ўзлаштиради, цитратлардан фойдаланади, пигмент ва уреаз ҳосил қилмайди.



11-расм. *Bacillus thuringiensis* var.*thuringiensis* - th12a штаммининг вегетатив хужайраси (а), хужайрада спораларнинг ҳосил бўлиши (б), спора-кристаллнинг ажралиши (в) ва кристалл токсини (г)


Нитрит ва нитрат ионлари реакциясига муносабати ижобий. Нитратларни нитритларга айлантиради. Индол, водород сульфид, лактоза ва маннитдан фойдаланмайди. Глюкоза, манноза, сахароза, мальтозани ўзлаштиради.

Диссертациянинг «Маҳаллий *Antibac-Uz* биопрепарати ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган тўртинчи боби *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида инсектицид биопрепарат ишлаб чиқариш технологиясига бағишланган. Тадқиқотларда инсектицид биопрепарат олишда продуцент сифатида *Bacillus thuringiensis var.thuringiensis-th12a* штаммидан фойдаланилган ва асосий ишлаб чиқаришнинг технологик кўрсаткичлари аниқланган (ўстириш давомийлиги- 72 соат, pH-7,4; муҳитни нейтраллаштириш эритмаси-0,1% ли NaOH; ҳаво сарфи 0-24 соат -0,5м<sup>3</sup>/мин.; 24-72 соат -0,2м<sup>3</sup>/мин). Жумладан, ишлаб чиқариш саноати учун озуқа муҳити таркиби танланган (%: озуқа ачитқиси экстракти-1,0; картошка крахмали-2,0; меласса -0,5; MgSO<sub>4</sub>×7H<sub>2</sub>O-1,0; K<sub>2</sub>HPO<sub>4</sub>-1,5; (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>HPO<sub>4</sub>-2,0; NaCl-0,05) ҳамда қуруқ ва суюқ (1-2-чизма) шаклдаги инсектицид биопрепарат ишлаб чиқариш учун тажриба ишлаб чиқариш технологик регламенти ишлаб чиқилган.



**1-чизма. Қуруқ «Antibac-Uz» биопрепаратини ишлаб чиқаришнинг намунавий чизмаси**

1-лаборатория, 2-экув материали тайёрлаш курилмаси, 3-озуқа муҳитини стерилизация қилиш курилмаси, 4-ферментёр, 5-дозатор №1, 6-ачитки сепаратори, 7-дозатор №2, 8-зарарсизлантириш идиши, 9- музлатиш учун идишлар, 10-музлатиш курилмаси, 11-сублимацион куритиш курилмаси, 12-майдалаш тегирмони; 13-аралаштириш курилмаси, 14-дозаторли бункер, 15-кадоқлаш копи.



**2-чизма. Суюқ «Antibac-Uz» биопрепаратини ишлаб чиқаришнинг намунавий чизмаси**

1-лаборатория, 2-экув материали тайёрлаш курилмаси, 3-озуқа муҳитини стерилизация қилиш курилмаси, 4-ферментёр, 5-маҳсулотни йиғиш бункери, 6-7-дозаторлар, 8-маҳсулотни кадоқлаш идишлари, 9-зарарсизлантириш идиши

Ушбу ишлаб чиқилган технология кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий қилинса мамлакатимизда зарарқунанда ҳашаротларга қарши юқори самарали, маҳаллий, импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган ва экологик тоза биопрепарат ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Диссертациянинг «Маҳаллий «Antibac-Uz» биопрепаратининг зарарқунанда ҳашаротларга қарши инсектицид фаоллиги» деб

номланган бешинчи боби маҳаллий «Antibac-Uz» микробиологик биопрепаратининг турли хил зараркунанда ҳашаротлар ва микробиологик касалликларга қарши биологик самарадорлигини аниқлашга бағишланган. Маълумки, қишлоқ хўжалиги амалиётида зараркунанда ҳашаротларга қарши асосан кимёвий препаратлардан фойдаланилмоқда, бу эса ҳашаротларнинг пестицидларга нисбатан чидамли авлодларининг вужудга келиши, инсонлар ва иссиқ қонли ҳайвонлар организмида кескин салбий оқибатлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Шу боисдан, экологик тоза, танлаб таъсир этиш хусусиятига эга бўлган биопрепаратлар асосида зараркунандаларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этиш тажрибалари асосида, «Antibac-Uz» микробиологик биопрепаратининг мақбул меъёрий сарфи аниқланган. Жумладан, «Васила-Оқила» фермер хўжалигида «Antibac-Uz» биопрепарати кўсак қуртининг I-авлодига қарши 4,0-5,0 л/га миқдорида қўлланилганда, ҳисобнинг 3-куни, мувофиқ равишда, 25,4-33,9%; 7-куни 60,5-65,0%; 14-куни 77,4-86,5% биологик самарадорликни ташкил қилганлиги аниқланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ғўзада «Antibac-Uz» биопрепаратини кўсак қуртининг I-авлодига қарши биологик самарадорлиги

(Қишлоқ хўжалигига жорий этиш тажрибаси, Сурхондарё вилояти, 2016)

№	Вариантлар	Пре- парат сарфи	100 та ўсимликдаги кўсак қуртининг сони, дона (кунлар бўйича)				Самарадорлик, % (кунлар бўйича)		
			Ишловга қадар	Ишловдан кейин			3	7	14
3	7	14							
Музработ тумани, «Васила-Оқила» фермер хўжалиги, май-июнь, ОВХ-600									
1.	Назорат (ишловсиз)	-	9,3	10,6	14,0	15,6	-	-	-
2.	Ципи 25% (андоза) эм.к.	0,3 г/га	15,0	5,0	3,3	3,0	70,7	85,4	88,0
3.	Antibac-Uz	4,0 л/га	10,6	9,0	6,3	4,0	25,4	60,5	77,4
4.	Antibac-Uz	5,0 л/га	13,3	10,0	7,0	3,0	33,9	65,0	86,5
ЭКФ <sub>05</sub> =							8,3	4,3	6,6
Музработ тумани, «Элдор Ибрагимов» фермер хўжалиги, май-июнь, ОВХ-600									
1.	Назорат (ишловсиз)	-	11,0	11,6	14,3	16,6	-	-	-
2.	Ципи 25% (андоза) эм.к.	0,3 г/га	9,6	3,6	1,6	1,3	64,4	87,1	91,0
3.	Antibac-Uz	4,0 л/га	8,0	7,0	3,0	2,3	17,0	51,9	80,9
4.	Antibac-Uz	5,0 л/га	12,0	9,3	5,6	3,0	26,5	64,1	83,4
ЭКФ <sub>05</sub> =							9,0	6,3	4,3

«Элдор Ибрагимов» фермер хўжалигида синовдан ўтказилганда, кузатишнинг 7, 14-кунлари мос равишда 51,9-64,1%; 80,9-83,4% самарадорликни ташкил этди. Демак, кўсак қуртининг I-авлодига қарши «Antibac-Uz» биопрепаратини гектарига 4,0-5,0 литр ҳисобида ишлов берилганда, ҳар иккала фермер хўжалигидан олинган натижалар деярли бир-бирини тасдиқловчи самарадорликка эришилган. Шундай қилиб, 2016 йилда ғўза экинида 3 та вилоят туман фермер хўжаликларидан олиб борилган ишлаб чиқаришга жорий этиш тажрибаси натижаларида бир-бирини тасдиқловчи маълумотлар олинган. «Antibac-Uz» биопрепарати кўсак қуртининг III-авлодига қарши 4,5-5,0 л/га миқдорида қўлланилганда, кузатишнинг 14-

кунида мос равишда 74,5-83,6% биологик фаоллик кўрсатганлиги аниқланган. Шунингдек, «Antibac-Uz» биопрепарати, *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосидаги Beta Pro (Австрия) биопрепаратидан биологик фаоллиги (83,1%) жихатидан қолишмаслиги кўрсатиб берилган (3-жадвал). Ғўзада кўсак куртининг III-авлодига қарши «Antibac-Uz» биопрепаратини 5,0 л/га миқдорида, кўсак куртининг кичик ёшларига ҳамда биринчи ишловдан кейин 5-6 кун ўтказиб, янги чиққан куртларга қарши иккинчи маротаба биопрепарат билан ишлов бериш тавсия этилган.

3-жадвал.

**«Antibac-Uz» биопрепаратининг кўсак куртини III-авлодига қарши самарадорлиги**  
(Қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этиш тажрибаси, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Қамола» фермер хўжалиги, август, 2014 й, 200 л/га, ОВХ-600)

№	Вариантлар	Пре- парат сарфи	100 дона ғўза ўсимлигидаги куртлар сони, дона				Биологик самарадорлик, % (кунлар бўйича)		
			Ишловга қадар	Ишлов берилгандан кейинги кунлар			3	7	14
				3	7	14			
1.	Назорат (ишловсиз)	-	12,3	14,6	17,3	15,0	-	-	-
2.	Ципи, 25% эм.к. (андоза)	0,3 л/га	14,0	7,6	3,6	2,0	55,1	81,7	88,2
3.	Beta Pro (андоза)	160 г/га	16,0	11,0	5,3	3,3	39,4	76,4	83,1
4.	«Antibac-Uz»	4,5 л/га	10,6	8,0	4,6	3,3	36,4	69,1	74,5
5.	«Antibac-Uz»	5,0 л/га	15,0	10,6	5,3	3,0	40,5	74,5	83,6
ЭКФ <sub>0,5</sub> =							1,3	2,4	0,4

«Antibac-Uz» биопрепаратининг картошка ўсимлигидаги энг хавфли, кемириб озиқланадиган зараркунанда ҳашаротлардан бири бўлган, колорадо кўнғизига (*Leptinotarsa decemlineata*) қарши биологик самарадорлиги, ўхшаш типдаги биопрепаратга нисбатан аниқланган (4-жадвал). Жумладан, «Битоксибациллин» биопрепарати («Сиббиофарм», Россия) гектарига 3,5 кг/га миқдорида қўлланилганда, кузатишнинг 14-кунида колорадо кўнғизи ва личинкаларига нисбатан мос равишда 42.6-79.6%, 4,0 кг/га миқдорида эса 55,2-84,5% биологик самара берган. Колорадо кўнғизи ва личинкаларига қарши «Antibac-Uz» биопрепарати 5,0-6,0 л/га миқдорида қўлланилганда кузатишнинг 14-кунида мос равишда 61,5-77,4 ҳамда 65,2-85,6% биологик самара бериб, кузатишнинг 21-кунида «Битоксибациллин» (4.0 кг/га) биопрепаратига нисбатан 1,9% юқори самарадорлик кўрсатиши аниқланган.

Шунингдек, Тошкент вилояти, «Шалола Юсупов Агро» фермер хўжалигида биологик самарадорлик дала ва қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этиш тажрибалари асосида аниқланган (5-жадвал). Бунда «Antibac-Uz» биопрепарати билан 5,0 л/га миқдорида колорадо кўнғизига қарши ишлов берилганда кузатишнинг 3, 7, 14, 21-кунлари мос равишда 6,6; 31,6; 44,8; 37,5% биологик самара берган бўлса, 6.0 л/га миқдорида эса мос равишда 38.2; 41.9; 56.0; 48.1% биологик самара қайд этилган. Биопрепаратнинг ушбу миқдорлари колорадо кўнғизининг личинкаларига қарши биологик самарадорлиги кўнғизларга нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилган.

«Antibac-Uz» биопрепарати 5.0 л/га миқдорида колорадо кўнғизи личинкаларига қарши қўлланилганда кузатишнинг 3, 7, 14, 21-кунлари

самарадорлик 35,4; 54,7; 56,7; 68,8% ташкил этган бўлса, 6.0 л/га ҳисобида ишлов берилганда самарадорлик 3,7,14, 21-кунлари личинкаларга қарши 42,4; 75,0; 86,3; 84,6% ни ташкил этганлиги аниқланган.

4-жадвал.

**Колорадо қўнғизига қарши *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосидаги биопрепаратларнинг биологик самарадорлиги**

(Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Асил пахта» фермер хўжалиги)

№	Вариантлар	Препарат сарфи	Ўртача 1 та ўсимликдаги хашаротлар сони, дона (кунлар бўйича)				Самарадорлик, % (кунлар бўйича)				
			Ишловга қадар	3	7	14	21	3	7	14	21
Дала тажрибаси, август, 2011 йил, ОВТ-1200, 500 л/га. 2-марта ишлов											
Қўнғизларга											
1	Назорат (ишловсиз)	-	5,3	6,6	9,3	11,3	9,0	-	-	-	-
2	Моспилан 20% н.кук. (андоза)	0,025кг/га	8,3	5,6	2,6	2,0	3,0	45,8	81,8	88,6	78,7
3	Битоксибациллин, н.кук. (андоза)	3,5 кг/га	7,6	7,3	9,0	9,3	8,0	22,9	32,4	42,6	38,0
4	Битоксибациллин н.кук. (андоза)	4,0 кг/га	9,0	8,0	8,6	8,6	8,3	28,6	45,6	55,2	45,8
